

А Ж Р И М

2024 йил май ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Пастдарғом тумани, “А.Темур” маҳалласида жойлашган Ички ишлар бўлими биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Ҳайдаров, судья ёрдамчиси Д.Умарованинг котибалигида, томонлардан Пастдарғом туман прокурорнинг катта ёрдамчиси А.Турсунов, судланувчи О.Б.Мамадалиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Ф.Рахманова, жабрланувчи Г.Р.Мусаеваларнинг иштирокида, судланувчи Мамадалиев Ойбек Ботировичга нисбатан бўлган 1-1413-2402/151-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мамадалиев Ойбек Ботирович, 1981 йил 17 сентябрь куни Пастдарғом туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилалик, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Пастдарғом тумани, “Чортут” маҳалла фуқаролар йиғини, “Чортут” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2024 йил 17 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан судланувчи Мамадалиев Ойбек Ботировичга оид жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Мамадалиев Ойбек Ботирович, фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 19.06.2013 йилдаги суд буйруғига кўра ундирувчи Мусаева Гулнора Рахимовнанинг фойдасига вояга етмаган бир нафар яъни, 24.08.2006 йилда туғилган Багиров Солижон Отабек ўғлини вояга етгунига қадар моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида алимент пули тўлаб бериши белгиланган бўлиб, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2023 йил 10 май кунидаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 15.05.2023 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан тайинланган 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда 5 сутка маъмурий жазосига келтирилганлигига қарамасдан, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, яъни уни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг қарорига биноан ундирилиши



лозим бўлган маблағни икки ойдан ортиқ муддат мобойнида, яъни 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар бўлган даврлар учун ҳисобланган жами 11 ой учун 11.928.129 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Судланувчи О.Б.Мамадалиев судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар бўлган давр учун жабрланувчи Г.Р.Мусаевани фойдасига 24.08.2006 йилда туғилган Багиров Солижон Отабек ўғлини вояга етгунига қадар моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида алимент пули тўланиши лозим бўлган жами 11.928.129 сўм алиментдан бўлган қарздорлигини тўлиқ тўлаганлигини, шу сабабли ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб, баёнот берди.

Жабрланувчи Г.Р.Мусаева судда, собиқ турмуш ўртоғи О.Б.Мамадалиев томонидан 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар бўлган давр учун 11.928.129 сўм алимент қарздорлигини тўлиқ тўлаганлигини, бироқ О.Б.Мамадалиев алимент пулларидан бўлган қарздорлигини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли у билан ярашмаслигини билдириб баёнот берди.

Судланувчи О.Б.Мамадалиев томонидан жами 11.928.129 сўм миқдордаги алимент пулларини жабрланувчи Г.Р.Мусаевага тўланганлигини қайд этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 3-қисмида, агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84 моддаси 1-қисми 8-бандида, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлгани тафайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Суд юқоридагиларга асосан судланувчи Мамадалиев Ойбек Ботирович айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганлигини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатишни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича далилий ашё эътироф этилмаганлигини эътиборга олади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган



зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади” деб кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи Г.Р.Мусаевага, судланувчи О.Б.Мамадалиев томонидан жиноий қилмиши оқибатида етказилган бошқа моддий ҳамда маънавий зарарларни ундириш юзасидан, фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтиришликни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-банди ва 423-моддаларини қўллаб, ажрим қилади,-

А Ж Р И М :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Мамадалиев Ойбек Ботирович**га нисбатан бўлган 1-1413-2402/151-сонли жиноят иши бўйича, алиментдан бўлган қарздорликни тўлиқ тўлаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан унинг айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилсин.

О.Б.Мамадалиевга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Г.Р.Мусаевага судланувчи О.Б.Мамадалиевдан жиноят орқасида етказилган бошқа моддий ёхуд маънавий зарарларни ундириш юзасидан ҳудудийлик бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида хусусий шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:
“Ажрим аслига тўғри”

имзо:

А.Ҳайдаров

